



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2023 yil « 29 » dekabr № 700

Toshkent sh.

### **Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларининг шахсий таркиби ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий химоя қилиш тизимини тартибга солиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 апрелдаги ПФ–6218-сон Фармонида мувофиқ божхона соҳасида бошқарув тизимига оид Хукумат қарорларини уйғунлаштириш ва тизимлаштириш, ўз аҳамиятини йўқотган нормаларни бекор қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

#### **1. Қуйидагиларни:**

а) тан жароҳати олганда (етказилганда) ёки ҳалок бўлганда (вафот этганда) бир марталик нафақа тайинлашни, бериладиган бир марталик нафақа миқдорини белгилашни, олинган тан жароҳати бўйича далолатнома расмийлаштиришни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларининг хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати олган ходимларига, шунингдек, ҳалок бўлган (вафот этган) ходимлари оила аъзоларига бир марталик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;**

б) хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида мол-мулкка етказилган зарарни қоплашни, мол-мулкка етказилган зарарни айбдордан ундириш тартибини белгилашни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органи ходими ёки унинг яқин қариндошларининг мол-мулкига хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;**

в) тан жароҳати олиш натижасида ногирон бўлиб қолган ёки ҳалок бўлган (вафот этган) ходимларнинг фарзандларига ўқишга кириш учун тавсиянома беришни, божхона органлари ходимларининг фарзандларига ўқишга кириш учун тавсиянома беришни назарда тутувчи **Ўзбекистон**

**Республикаси давлат божхона хизмати органлари ходимларининг фарзандларига давлат олий таълим муассасалари ҳамда олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;**

г) ходимни хизмат ўташ вақтида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногиронлиги бўлган шахс деб топишни, тан жароҳати олган ёки ҳалок бўлган (вафот этган) деб тан олинган ходимларга ҳужжатлар йиғмажилдларини юритишни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари ходимларини хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган (вафот этган) ёки олган жароҳати туфайли ногиронлиги бўлган шахс деб топиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;**

д) ижара пул компенсациясини тайинлаш, тўлаш ва тўхтатишни, ижара пул компенсация миқдорини белгилашни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари ходимларига уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

2. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 13 мартдаги ПФ–34-сон Фармонига мувофиқ Давлат бюджетидан Божхона қўмитасига ажратилган маблағлар ва бюджетдан ташқари манбалари ҳисобидан ҳалок бўлган ходимлар оила аъзолари учун, уларнинг мурожаатларига асосан қуйидагилар таъминланади:**

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги санаторий-курорт муассасалари ва болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида йилига бир марта бепул соғломлаштириш;**

**шифокорларнинг рецептларига асосан 3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб дори воситаларини (йилига бир марта), тиббий ва махсус протез-ортопедия мосламаларини олиб бериш ҳамда жарроҳлик амалиётларининг харажатларини қоплаш;**

**оғир ташхисли касалликлари ҳамда ногиронлиги бўлганларга шифокорларнинг рецептларига мувофиқ, йилига бир марта дори воситаларининг 50 фоизигача бўлган суммасини компенсация қилиш.**

**Мазкур бандда белгиланган имтиёз ва кафолатлар 1991 йил 1 январдан 2023 йил 1 майгача Божхона қўмитасининг жанговар (ҳарбий) ҳаракатларда, ноқонуний қуролли тузилмаларни аниқлаш ва йўқ қилишда, фавқулодда ҳолат (вазият) оқибатларини бартараф этишда, давлат чегараларини ҳимоя қилишда, террорчиликка қарши операцияларда, жиноятчиликка қарши курашишда ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида яраланганлиги, контузия ёки майиб бўлганлиги оқибатида ҳалок бўлган ходимларининг оила аъзоларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.**

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Судьяларга, суд органлари ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олишга узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги низомни ҳамда судьяларга, суд органлари ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2012 йил 31 октябрдаги 312-сон қарорига 6-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 7-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “29” декабрдаги 700-сон қарорига  
...  
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларининг  
хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати олган  
ходимларига, шунингдек, ҳалок бўлган (вафот этган) ходимлари  
оила аъзоларига бир марталик нафақа тайинлаш  
ва тўлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларининг (кейинги ўринларда – божхона органлари) хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати олган ходимларига ёки ҳалок бўлган (вафот этган) ходимлари оила аъзоларига, шунингдек, Ватан ҳимояси ва эл-юрт тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига бир марталик нафақани тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:  
ходим – божхона органларида махсус унвонда хизмат қилаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси (кейинги ўринларда – Божхона қўмитаси) Божхона институтининг курсантлари ва тингловчилари;

Ватан ҳимояси ва эл-юрт тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ходим – Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан эълон қилинган фавқулодда ҳолат (уруш ҳолати) даврида жалб қилинган вақтда, шунингдек, жанговар (ҳарбий) ҳаракатлар олиб борилаётган пайтда яраланганлиги, контузия ёки майиб бўлганлиги оқибатида ҳалок бўлган ходим;

хизмат мажбурияти – Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, шу жумладан, Божхона қўмитасининг идоравий ҳужжатларига мувофиқ божхона органлари таркибий тузилмалари ва ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларга юкланган вазифалар ҳамда функциялар;

тан жароҳати – хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ходим олган (етказилган) оғир ва ўртача оғир тан жароҳати (яраланиш, майиб ва контузия бўлиш);

бир марталик нафақа (кейинги ўринларда – нафақа) – хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати олган ходимга ёки ҳалок бўлган (вафот этган) ходимнинг оила аъзоларига, шунингдек, Ватан ҳимояси ва эл-юрт тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ходимнинг оила аъзоларига тўланадиган тўлов тури.

### 3. Ушбу Низом:

Божхона органлари ходимларига (офицер ва сержантлар);

Божхона қўмитасининг Божхона институтида таҳсил олаётган курсант ва тингловчиларга;

Ватан ҳимояси ва эл-юрт тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига;

хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган (вафот этган) ходимларнинг оила аъзоларига нисбатан татбиқ этилади.

4. Ходим Ватан ҳимояси ва эл-юрт тинчлиги йўлида ҳалок бўлганда, унинг оила аъзоларига марҳумнинг охирги эгаллаган лавозими бўйича маоши ва махсус унвони маоши йиғиндисининг 150 баробари миқдорида нафақа тайинланади.

Ходим хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлганда (вафот этганда), унинг оила аъзоларига марҳумнинг охирги эгаллаган лавозими бўйича маоши ва махсус унвони маоши йиғиндисининг 100 баравари миқдорида нафақа тайинланади.

Ушбу банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган нафақа 2023 йил 1 апрелдан кейинги даврда ҳалок бўлган ходимнинг оила аъзоларига тўланади.

Мазкур банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида назарда тутилган нафақаларнинг иккаласини ҳам олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳалок бўлган (вафот этган) ходимнинг оила аъзоларига фақат ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган нафақа тайинланади.

5. Хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати олган (етказилган) ходимга:

оғир тан жароҳати олганда (етказилганда) – ходимнинг эгаллаб турган лавозими бўйича маоши ва махсус унвони маоши йиғиндисининг 50 баравари миқдорида;

ўртача оғир тан жароҳати олганда (етказилганда) – ходимнинг эгаллаб турган лавозими бўйича маоши ва махсус унвони маоши йиғиндисининг 20 баравари миқдорида нафақа тайинланади.

Нафақа миқдорини белгилашда воқеа содир бўлган кунда эгаллаб турган лавозими ва унвони маоши (курсант ва тингловчиларнинг стипендияси) инобатга олинади.

6. Божхона органларида хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати олган ходимларга ёки ҳалок бўлган (вафот этган) ходимлар оила аъзоларига нафақа ушбу Низомга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ схемалар бўйича тўланади.

7. Енгил тан жароҳати олган ходимга нафақа тайинланмайди.

8. Божхона институтида таҳсил олаётган курсант ва тингловчилар хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати олганда ёки ҳалок бўлганда (вафот этганда), ушбу Низомнинг 3 ва 4-бандларида кўрсатиб ўтилган миқдорларда стипендия ва эга бўлган махсус унвони маоши йиғиндиси миқдоридан келиб чиқиб нафақа ҳисобланади.

9. Нафақа тайинлашга нисбатан даъво муддатининг талаблари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ қўлланилади.

## **2-боб. Нафақа тайинлаш тартиби**

10. Ходим хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати олган ҳолат юз берганда, бевосита унинг раҳбари ёки ўринбосари воқеа жойига зудлик билан етиб бориб, холислар иштирокида ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ ходимнинг олган тан жароҳати бўйича дарҳол далолатнома (кейинги ўринларда – далолатнома) расмийлаштиради.

11. Далолатномани расмийлаштиришда воқеа тафсилотлари аниқ ва холисона баён этилишига, шунингдек, тан жароҳатининг хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда юз берганлигига алоҳида эътибор қаратилади.

12. Далолатнома тан жароҳати олган ходим, раҳбар ёхуд раҳбарнинг ўринбосари, воқеа гувоҳи бўлган ходимлар ёки фуқаролар, воқеа содир бўлган ҳудуддаги божхона органи раҳбари томонидан имзоланади ҳамда гербли муҳр билан тасдиқланади.

13. Воқеа содир бўлган ҳудуддаги божхона органи раҳбари томонидан Божхона қўмитаси раҳбариятига юз берган ҳолат юзасидан зудлик билан дастлабки ахборот берилади.

14. Ходимнинг ҳалок бўлиши (вафот этиши) ёхуд тан жароҳати олишининг ҳолати ва сабабларини суриштириш учун тегишли божхона органи раҳбарининг ёзма кўрсатмасига асосан хизмат текшируви тайинланади.

15. Хизмат текшируви тегишли божхона органи мансабдор шахслари томонидан белгиланган тартибда ўтказилади. Бунда хизмат текширувини ўтказиётган масъул ходимлар ходимнинг ҳалок бўлиши (вафот этиши) ёхуд тан жароҳат олиши унинг хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқлигига, хизмат интизоми ва қонун талаблари бузилмаганлигига алоҳида эътибор қаратишлари шарт.

16. Хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати олган ёки ҳалок бўлган (вафот этган) ходимнинг хатти-ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик, хизмат интизомини бузиш ҳолатлари ёки ходимдан олинadиган қон намунаси таркибида спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик ёки психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари мавжудлиги аниқланган тақдирда, нафақа тайинлашни рад этиш масаласи кўриб чиқилади.

17. Хизмат текширувини ўтказиётган масъул ходим томонидан ходимнинг ҳалок бўлиши (вафот этиши) сабабини, олган тан жароҳатининг даражасини аниқлаш учун суд-тиббий экспертиза муассасаларида экспертиза тайинлаш ҳақида қарор қабул қилинади.

Экспертизани тайинлаш ва ўтказиш Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига асосан амалга оширилади.

Ҳар бир ҳолат бўйича суд-тиббий экспертиза муассасасининг тегишли хулосаси олинади ва барча ҳужжатлар умумлаштирилган ҳолда, хизмат текширувини ўтказган масъул ходимлар томонидан хизмат текшируви

натижасига доир хулоса тузилади. Мазкур хулоса хизмат текширувини тайинлаган тегишли божхона органи раҳбари томонидан тасдиқланади.

18. Хизмат текшируви натижасига доир хулосага асосан ходимнинг тан жароҳати олиши хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ деб топилса, тегишли божхона органи раҳбари белгилаган масъул ходим томонидан содир этилган воқеа юзасидан қуйидаги ҳужжатлар тўпланади:

ходим ва унинг яқин қариндошлари тўғрисида маълумот;

ходимнинг олган тан жароҳати бўйича далолатнома;

ички ишлар органлари ҳарбий-тиббий комиссияси томонидан берилган маълумотнома;

хизмат текшируви натижасига доир хулоса нусхаси;

суд-тиббий экспертиза муассасасининг хулосаси нусхаси.

Агар юз берган ҳолат бўйича ваколатли органнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасига мувофиқ жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарори мавжуд бўлса, масъул ходим томонидан ушбу қарор нусхаси ҳам тегишли ҳужжатларга илова қилинади.

19. Ходим хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ёки Ватан ҳимояси ва эл-юрт тинчлиги йўлида ҳалок бўлган (вафот этган) бўлса, тегишли божхона органи раҳбари белгилаган масъул ходим томонидан мазкур Низомнинг 18-бандида назарда тутилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатлар ҳам тўпланади:

ходимнинг ўлими ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

нафақа олувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

божхона органи раҳбарининг ходимни шахсий таркиб рўйхатидан чиқариш тўғрисидаги буйруғидан кўчирма;

божхона органи бошлиғининг Ватан ҳимояси ва эл-юрт тинчлиги йўлида ходим яраланганлиги, контузия ёки майиб бўлганлиги оқибатида ҳалок бўлганлигини (иштирок этган даврини кўрсатган ҳолда) тасдиқловчи буйруғидан кўчирма.

20. Худудий божхона органларининг ходимлари хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлганда (вафот этганда) ёки тан жароҳати олганда, тегишли соҳавий хизматлар томонидан хизмат текшируви ўтказилади ва барча ҳужжатлар хизмат текшируви натижасига доир хулосага илова қилинган ҳолда беш кун муддатда Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими ёки шуъбасига (кейинги ўринларда – кадрлар хизмати) тақдим этилади. Ушбу ҳужжатлар тегишли кадрлар хизмати томонидан тўлиқ ўрганиб чиқилиб, ўн кун муддатда Божхона қўмитасининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бошқармасига юборилади.

21. Божхона қўмитасининг марказий аппарати ходимлари хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлганда (вафот этганда) ёки тан жароҳати олганда, тегишли соҳавий хизматлар томонидан хизмат текшируви ўтказилади ва барча ҳужжатлар хизмат текшируви натижасига доир хулосага илова қилинган ҳолда уч кун муддатда Божхона қўмитасининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бошқармасига тақдим этилади.

22. Агар юз берган ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилган бўлса, ушбу жиноят иши якуни бўйича чиқарилган ҳукм, ажрим ва қарорлар қонуний кучга кирган кундан бошлаб тўпланган ҳужжатлар белгиланган тартибда Божхона қўмитасининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бошқармасига юборилади.

23. Нафақани расмийлаштириш учун юборилган ҳужжатлар Божхона қўмитасининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бошқармаси томонидан ўн беш кун муддатда ўрганиб чиқилади ва нафақа миқдорини аниқ белгилаб бериш учун Божхона қўмитаси раисига ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шаклда тўланадиган нафақа бўйича тақдимнома (кейинги ўринларда – тақдимнома) киритилади.

24. Тақдимноманинг асл нусхаси Божхона қўмитаси раиси нафақа миқдорини аниқ белгиланган ҳолда тасдиқлагандан сўнг Божхона қўмитасининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бошқармаси томонидан ижро учун ходимнинг сўнгги хизмат ёки ўқиш жойига, тақдимноманинг нусхалари эса маълумот ва ижро учун Божхона қўмитасининг Молия-иқтисодиёт бошқармасига юборилади.

25. Ходимнинг ҳалок бўлиши (вафот этиши) ёхуд унинг тан жароҳати олиши қуйидаги ҳолларда хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ деб ҳисобланади:

лавозим мажбуриятларини бажариш вақтида;  
жанговар ҳаракатларда иштирок этганда;  
хизматни (жанговар хизматни) ўташ вақтида;  
хизмат сафарига ёки даволанишда бўлганида;  
кун тартибида белгиланган хизмат вақти давомида ёки хизмат зарурати туфайли божхона органлари ҳудудида бўлганида;

хизмат, даволаниш ва хизмат сафарини ўташ жойларига бориш ёки улардан қайтиш вақтида;

йиғинларда (ҳарбий йиғинларда) иштирок этганда;

асирга тушган (ўз ихтиёри билан асирга тушиш ҳоллари бундан мустасно), гаровга олинган ёки ушлаб қуролсизлантирилган ҳолларда;

бедарак кетиш – ходим қонунда белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилгунига ёки вафот этган деб эълон қилингунига қадар содир бўлганида;

шахсининг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилишга доир ҳаракатлар вақтида содир бўлганда;

қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига ёки бошқа шахсларга ёрдам кўрсатиш вақтида;

хизмат вақтидан ташқари пайтда ходимнинг ҳаётига ёки унинг соғлиғига суиқасд қилинганда, агар суиқасд сабаби унинг хизмат вазифаларини бажариши билан боғлиқ бўлса;

суд томонидан ходимнинг ҳаракати шахс, жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб содир этилган ҳаракат деб топилганда;

агар ходим хизмат мажбуриятини бажараётган деб эътироф этилмаган вазиятда тан жароҳати олган ёки ҳалок бўлган (вафот этган) бўлса, ходимга ёки унинг оила аъзоларига нафақа тўланмайди.

### **3-боб. Нафақа тўлаш тартиби**

26. Нафақа ходимнинг сўнгги хизмат (ўқиш) жойидаги молия-иқтисодиёт хизмати томонидан тан жароҳати олган ходимга ёки ҳалок бўлган (вафот этган) ходимнинг оила аъзоларига (қонуний вакилига) тўланади.

Агар меросхўр вояга етмаган бўлса, нафақа унинг васийлари ёки қонуний вакилига тўланади.

27. Хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ходим оғир ёки ўртача оғир тан жароҳати олганлиги туфайли хизматдан бўшатиладиган сўнг олган тан жароҳати туфайли бир йил ичида вафот этган бўлса, унинг оила аъзоларига Божхона қўмитаси раиси томонидан белгиланган миқдорда аввалги тўланган нафақа билан хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлганда (вафот этганда) бериладиган нафақа миқдори орасидаги фарқ тўланади.

Бундай ҳолат юзасидан хизмат текшируви ўтказилиб, қўшимча равишда ушбу Низомнинг 19-бандида назарда тутилган ҳужжатлар умумлаштирилади ҳамда мазкур Низомнинг 20 ва 21-бандларида белгиланган тартибда Божхона қўмитасининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бошқармасига юборилади.

28. Нафақани расмийлаштириш учун тўпланган барча ҳужжатлар тегишли ҳудудий божхона органларининг кадрлар хизматлари томонидан ходимнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдида умумлаштирилади.

29. Ушбу Низомга мувофиқ ходимларга нафақа тўлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари (жорий молия йили учун тасдиқланган харажатлар сметаси бўйича иқтисод қилинган ёки буюртма асосида давлат бюджетидан қўшимча ажратилган маблағлар) ҳисобидан амалга оширилади.

### **4-боб. Яқунловчи қоида**

30. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси давлат  
божхона хизмати органларининг хизмат  
мажбуриятларини бажариш чоғида тан  
жароҳати олган ходимларига, шунингдек,  
ҳалок бўлган (вафот этган) ходимлари оила  
аъзоларига бир марталик нафақа тайинлаш  
ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Божхона органларининг хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати  
олган ходимларига бир марталик нафақа тайинлаш тартиби  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг (кейинги ўринларда – Божхона қўмитаси) марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўйича бошқармалари, “Тошкент-АЭРО” ИБК, Божхона институти ва Миллий кинология маркази	Божхона органлари ходимлари ва Божхона институтида таълим олаётган курсант ва тингловчилар тан жароҳати олганда ушбу ҳолатнинг хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигини аниқлаш ва уларга бир марталик нафақа тайинлаш бўйича тўпланган ҳужжатлар ва хизмат текшируви хулосасини Божхона қўмитасининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бошқармасига юборади.	Ўн беш кун муддатда
2-босқич	Божхона қўмитасининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бошқармаси	Хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати олган ходимларга бир марталик нафақа тайинлаш бўйича юборилган барча ҳужжатларни ўрганиб чиқади ва нафақа миқдорини аниқ белгилаб бериш учун Божхона қўмитаси раисига тақдимнома киритади.	Ўн беш кун муддатда
3-босқич	Божхона қўмитасининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бошқармаси	Божхона қўмитаси раиси томонидан хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати олган ходимга бир марталик нафақа миқдори тасдиқлангандан сўнг тақдимноманинг асл нусхасини ижро учун ходимнинг хизмат ёки ўқиш жойига юборади.	Уч кун муддатда
4-босқич	Божхона қўмитасининг марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўйича бошқармалари, “Тошкент-АЭРО” ИБК, Божхона институти ва Миллий кинология маркази	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари (жорий молия йили учун тасдиқланган харажатлар сметаси бўйича иқтисод қилинган ёки буюртма асосида давлат бюджетидан қўшимча ажратилган маблағлар) ҳисобидан нафақа миқдоридаги тўловни амалга оширади. Нафақа ходимнинг хизмат ёки ўқиш жойидаги молия хизматлари томонидан тўланади.	Ўн беш кун муддатда

Ўзбекистон Республикаси давлат  
Божхона хизмати органларининг хизмат  
мажбуриятларини бажариш чоғида тан  
жароҳати олган ходимларига, шунингдек,  
ҳалок бўлган (вафот этган) ходимлари оила  
аъзоларига бир марталик нафақа тайинлаш  
ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Божхона органларининг хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида  
ҳалок бўлган (вафот этган) ходимларининг оила аъзоларига  
бир марталик нафақа тайинлаш тартиби  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг (кейинги ўринларда – Божхона қўмитаси) марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўйича бошқармалари, “Тошкент-АЭРО” ИБК, Божхона институти ва Миллий кинология маркази	Божхона органлари ходимлари ва Божхона институтида таълим олаётган курсант ва тингловчилар ҳалок бўлганда ушбу ҳолатнинг хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигини аниқлаш ва уларнинг оила аъзоларига бир марталик нафақа тайинлаш бўйича тўпланган ҳужжатлар ва хизмат текшируви ҳулосасини Божхона қўмитасининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бошқармасига юборади.	Фуқаролик кодексининг 1146-моддаси ва ҳолат юзасидан қўзғатилган жиноят иши якуни бўйича чиқарилган ҳукм, ажрим ва қарорлар қонуний кучга кирган кундан бошлаб уч кун муддатда
2-босқич	Божхона қўмитасининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бошқармаси	Хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган (вафот этган) ходимларнинг оила аъзоларига бир марталик нафақа тайинлаш бўйича юборилган барча ҳужжатларни ўрганиб чиқади ва нафақа миқдорини аниқ белгилаб бериш учун Божхона қўмитаси раисига тақдимнома киритади.	Ўн беш кун муддатда
3-босқич	Божхона қўмитасининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бошқармаси	Божхона қўмитаси раиси томонидан хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига бир марталик нафақа миқдори тасдиқлангандан сўнг тақдимноманинг асл нусхасини ижро учун ходимнинг сўнги хизмат ёки ўқиш жойига юборади.	Уч кун муддатда
4-босқич	Божхона қўмитасининг марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўйича бошқармалари, “Тошкент-АЭРО” ИБК, Божхона институти ва Миллий кинология маркази	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари (жорий молия йили учун тасдиқланган харажатлар сметаси бўйича иқтисод қилинган ёки буюртма асосида давлат бюджетидан қўшимча ажратилган маблағлар) ҳисобидан нафақа миқдоридagi тўловни амалга оширади. Нафақа ходимнинг хизмат ёки ўқиш жойидаги молия хизматлари томонидан тўланади.	Ўн беш кун муддатда

Ўзбекистон Республикаси давлат  
божхона хизмати органларининг хизмат  
мажбуриятларини бажариш чоғида тан  
жароҳати олган ходимларига, шунингдек,  
ҳалок бўлган (вафот этган) ходимлари оила  
аъзоларига бир марталик нафақа тайинлаш  
ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-илова

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

\_\_\_\_\_ (божхона органи бошлиғи)

\_\_\_\_\_ (лавозими, унвони, Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ (имзо гербли муҳр билан тасдикланади)

**Ходимнинг олган тан жароҳати бўйича \_\_\_\_\_ -сон  
ДАЛОЛАТНОМА**

1. \_\_\_\_\_  
(тан жароҳати олган ходимнинг лавозими, унвони, Ф.И.О., туғилган йили)

2. Тан жароҳати олинган жой: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

3. Жароҳатланган (яраланиш, контузия, майиб бўлган) вақт: \_\_\_\_\_  
(йил, кун, ой, соат ва дақиқа)

4. Воқеа тафсилотлари: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

5. Тан жароҳати олишининг сабаблари: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

6. Тан жароҳати олишининг сабаблари ва ҳолатлари бўйича хулоса: \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

**Далолатномани тузган шахслар:**

1. \_\_\_\_\_  
(фуқаронинг аниқ яшаш манзили, Ф.И.О., имзо)

2. \_\_\_\_\_  
(эгаллаб турган лавозими, унвони, Ф.И.О., имзо)

3. \_\_\_\_\_  
(эгаллаб турган лавозими, унвони, Ф.И.О., имзо)

Ўзбекистон Республикаси давлат  
божхона хизмати органларининг хизмат  
мажбуриятларини бажариш чоғида тан  
жароҳати олган ходимларига, шунингдек,  
ҳалок бўлган (вафот этган) ходимлари оила  
аъзоларига бир марталик нафақа тайинлаш  
ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
4-илова

**Бир марталик тўланадиган нафақа бўйича  
ТАҚДИМНОМА**

1. \_\_\_\_\_  
(ҳалок бўлган (вафот этган) ёки тан жароҳати олган ходимнинг лавозими, унвони, Ф.И.О.)

2. \_\_\_\_\_  
(ҳолат юз берган вақт ва унинг тафсилотлари)

3. \_\_\_\_\_  
(Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаси  
хулосасининг қисқача мазмуни)

4. \_\_\_\_\_  
(ходимга ёки унинг меросхўрига тўланиши тавсия этилаётган нафақа миқдори)

**Инсон ресурсларини ривожлантириш  
ва бошқариш бошқармаси бошлиғи**  
(махсус унвони) \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

**РОЗИМАН**

**Юридик бошқарма бошлиғи**  
(махсус унвони) \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

**Молия-иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи**  
(махсус унвони) \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

**Шахсий хавфсизлик бошқармаси бошлиғи**  
(махсус унвони) \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

**ҚЎШИЛАМАН**

**Ўзбекистон Республикаси  
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги  
Божхона қўмитаси раисининг ўринбосари**  
(махсус унвони) \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

5. \_\_\_\_\_  
(Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси раиси томонидан  
ходим ёки унинг меросхўрига тўланиши кўрсатилган нафақа миқдори)

**Ўзбекистон Республикаси  
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги  
Божхона қўмитаси раиси (махсус унвони)** \_\_\_\_\_ имзо \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил ~~“29”~~ “29” декабрдаги 700-сон қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органи  
ходими ёки унинг яқин қариндошларининг мол-мулкига хизмат  
мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда етказилган  
зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органи ходими (кейинги ўринларда – ходим) ёки унинг яқин қариндошларининг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, эр-хотинлар, фарзандлар, шунингдек, эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари ва опа-сингиллари) мол-мулкига хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартибини белгилайди.

2. Ходим ёки унинг яқин қариндошларининг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни ходимнинг ўз хизмат мажбуриятларини бажариши вақтида етказилган тақдирдагина қопланади.

Мазкур Низом давлат божхона хизмати органларидан пенсияга чиқарилган шахсларга, агар зарар уларнинг ёки яқин қариндошларининг мол-мулкига давлат божхона хизмати органларидаги хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда етказилган бўлса, татбиқ этилади.

**2-боб. Зарарни қоплаш масаласини кўриб чиқиш тартиби**

3. Мазкур Низомни амалга ошириш мақсадида ходим ёки унинг яқин қариндошларининг мол-мулкига хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш масаласини ўрганиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси марказий аппаратида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича божхона бошқармаларида, “Тошкент-АЭРО” ихтисослаштирилган божхона комплекси, Божхона институти ва Миллий кинология марказида (кейинги ўринларда – божхона органи) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда доимий фаолият кўрсатувчи комиссиялар тузилади.

4. Комиссия таркиби божхона органининг тегишли хизматлари ходимларидан ташкил топади ва божхона органи раҳбари томонидан тасдиқланади.

5. Зарар ўрнини қоплаш бўйича тегишли ҳужжатларни тўплаш ва расмийлаштириш божхона органларининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бошқармаси ҳамда жойлардаги Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлим ва шуъбалари (кейинги ўринларда – кадрлар хизматлари) томонидан амалга оширилади.

6. Ўз мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мақсадида ходим ёки унинг яқин қариндошлари божхона органи раҳбарига билдирги (ариза) билан мурожаат қилади.

Билдирги (ариза) тушган куннинг ўзида божхона органи раҳбари томонидан кадрлар хизматига йўналтирилади.

7. Мол-мулкка етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги билдирги (ариза) тушган кундан бошлаб уч кун муддатда божхона органининг кадрлар хизмати томонидан тегишли комиссияга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мол-мулкка етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақида ходимнинг билдиргиси ёки унинг яқин қариндошларининг аризаси;

мол-мулкка зарар етказилган ҳолатлар бўйича текширув хулосаси;

мол-мулкка етказилган зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар.

8. Комиссия томонидан ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб ўн беш кун муддатда кўриб чиқилади.

9. Ҳужжатларни кўриб чиқиш натижаси бўйича мол-мулкка етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ёки қоплашни рад этиш тўғрисида комиссия қарори қабул қилинади ва божхона органи раҳбари томонидан тасдиқланадиган баён билан расмийлаштирилади.

10. Комиссия қарори уч кун муддатда манфаатдор шахсларга етказилади.

11. Комиссия раиси ва аъзолари зарарнинг ўрнини қоплаш ёки қоплашни рад этиш тўғрисида комиссия қарорининг қонунийлиги ва тўғри қабул қилинганлигига масъул ҳисобланади.

### **3-боб. Зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби**

12. Етказилган зарарнинг ҳақиқий суммаси комиссия томонидан баҳолаш ташкилотини жалб қилган ҳолда, мол-мулкка зарар етказилган шахснинг иштирокида аниқланади. Етказилган зарар суммаси зарарни қоплаш вақтида амал қилаётган бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Бунда баҳолаш ташкилотини жалб этиш билан боғлиқ харажатлар божхона органи томонидан қопланади.

13. Ҳисоб-китоблар нақд пулда ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Зарар натура шаклида, тенг қийматдаги мулкни бериш, уни таъмирлаш ёки бошқа шаклларда ҳам қопланиши мумкин.

Мазкур Низомда назарда тутилган тўловлар божхона органларининг молия-иқтисодий хизматлари томонидан амалга оширилади.

14. Мол-мулкка етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича тегишли қарор қабул қилинганидан сўнг ушбу зарарнинг ўрни божхона органлари томонидан ўн кун муддатда манфаатдор шахсларга қоплаб берилиши лозим.

15. Мол-мулкка етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари (буюртма асосида давлат бюджетидан қўшимча ажратилган маблағлар) ҳисобидан амалга оширилади ва кейинчалик айбдор шахслардан ундириб олинади.

Етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун маблағлар Давлат бюджетидан ажратилгунга қадар, истисно тариқасида, Божхона кўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тўланиши мумкин. Кейинчалик Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар Божхона кўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади.

#### **4-боб. Зарарни айбдор шахслардан ундириш тартиби**

16. Ходим ёки унинг яқин қариндошларининг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаган божхона органи ушбу ҳолат билан боғлиқ харажатларни етказилган зарар учун айбдор бўлган юридик ва жисмоний шахслардан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ундириш чораларини кўради.

Бунда айбдор шахсларни топиш мақсадида ваколатли органларга тегишли сўровномалар юборилиши ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа зарур тадбирлар амалга оширилиши мумкин.

17. Божхона органларининг молия-иқтисодиёт хизматлари томонидан зарарнинг ўрни қопланган кундан бошлаб икки кун муддатда зарарнинг ўрни қопланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (тўлов топшириқномаси, чиқим касса ордерлари, тўлов қайдномалари, ҳисоб-фактура ва бошқалар) нусхалари тегишли божхона органининг юридик хизматига айбдор шахслардан зарар суммасини ундириш чораларини кўриш учун тақдим этилади.

18. Божхона органларининг юридик хизматлари зарарнинг ўрни қопланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар қабул қилинган кундан бошлаб ўн кун муддатда айбдор шахсларга нисбатан даъво (қарши даъво) киритиш учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур ҳужжатларни расмийлаштиради ва уларга нисбатан даъво (қарши даъво) киритиш чораларини кўради;

судларда тегишли божхона органи вакили сифатида иштирок этади;

ундиришга қаратилган, лекин ундирилмай қолган (айбдор жисмоний шахс вафот этган, I гуруҳ ногиронлик рўйхатига киритилган ҳолларда) маблағларни ҳисобдан чиқариш учун суд қарорлари ёки бошқа ҳужжатларни тегишли божхона органининг молия-иқтисодиёт хизматига тақдим этади;

ўз ваколати доирасида зарарнинг ўрнини қоплаш харажатларини ундириш билан боғлиқ бошқа тадбирларни амалга оширади.

19. Ходим ёки унинг яқин қариндошларининг мол-мулкига хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган зарарнинг ўрни мазкур Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ қопланади.

#### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

20. Ходим ёки унинг яқин қариндошларининг мол-мулкига хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича низо ва келишмовчиликлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

21. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси давлат божхона  
хизмати органи ходими ёки унинг яқин  
қариндошларининг мол-мулкига хизмат  
мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ  
ҳолда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
илова

**Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органи ходими  
ёки унинг яқин қариндошларининг мол-мулкига хизмат мажбуриятларини  
бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Божхона органи ходими, унинг яқин қариндошлари, айбдор шахс	Божхона органи ходимининг мол-мулкига хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда етказилган зарар ҳолатини аниқлайди.	Зарар етказилган вақтда
2-босқич	Божхона қўмитасининг марказий аппарати, ҳудудий тузилмалари, Божхона институти ва Миллий кинология маркази	Мол-мулкка ходимнинг хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда етказилган зарар ҳолатини ўрганиш учун зарур ҳужжатларни комиссияга киритади.	Уч кун муддатда
3-босқич	Божхона қўмитасининг марказий аппарати, ҳудудий тузилмалари, Божхона институти ва Миллий кинология марказидаги комиссиялар	Тақдим этилган ҳужжатлар комиссияда қўриб чиқилади ва тегишли қарор қабул қилинади.	Ўн беш кун муддатда
4-босқич	Божхона қўмитасининг марказий аппарати, ҳудудий тузилмалари, Божхона институти ва Миллий кинология марказидаги комиссиялар	Комиссия қарорини манфаатдор шахсга етказилади.	Уч кун муддатда
5-босқич	Божхона қўмитасининг марказий аппарати, ҳудудий тузилмалари, Божхона институти ва Миллий кинология маркази	Етказилган зарарни манфаатдор шахсларга коплаб беради.	Комиссия қарори қабул қилинганидан сўнг бир ой муддатда
6-босқич	Божхона қўмитасининг марказий аппарати, ҳудудий тузилмалари, Божхона институти ва Миллий кинология маркази	Етказилган зарар қопланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш ва харажатларни айбдор шахслардан ундириш бўйича суд органларига даъво (қарши даъво) киритади.	Тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганидан сўнг ўн кун муддатда
7-босқич	Божхона қўмитасининг марказий аппарати, ҳудудий тузилмалари, Божхона институти ва Миллий кинология маркази, давлат ижрочилари	Етказилган зарарни айбдор шахслардан ундиради.	Суд қарорида белгиланган муддатда

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил 29 декабрдаги 700-сон қарорига  
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари  
ходимларининг фарзандларига давлат олий таълим муассасалари  
ҳамда олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига  
ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари (кейинги ўринларда – божхона органлари) ходимларининг фарзандларига Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасалари (кейинги ўринларда – давлат олий таълим муассасалари) бакалавриат таълим йўналишларининг кундузги таълим шаклига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси (кейинги ўринларда – Божхона қўмитаси) тизимидаги олий (магистратура, иккинчи олий таълимдан ташқари) таълим муассасаларига (кейинги ўринларда – олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари) ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом қоидалари хизмат мажбуриятини бажариш чоғида ҳалок бўлган, хизмат мажбуриятини бажаришда олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган божхона органлари ходимларининг, шунингдек, божхона органларининг хизматдаги офицерлари ва сержантлар таркиби ходимларининг фарзандларига нисбатан татбиқ этилади.

3. Божхона органлари ходимларининг фарзандларига давлат олий таълим муассасалари ҳамда олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича бир давлат олий таълим муассасаси ҳамда олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасасига бир марта кириш учун уч йилдан ошмайдиган муддатга берилади.

4. Божхона органлари ходимларининг фарзандларига давлат олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишларининг кундузги таълим шаклига ўқишга кириш учун тавсиянома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги ПҚ–3665-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда Божхона қўмитаси раиси (кейинги ўринларда – Раис) томонидан:

божхона хизматига салмоқли ҳисса қўшган, хизмат жараёнида маълум бир натижаларга эришган божхона органларининг хизматдаги офицерлари ва сержантлар таркиби ходимларининг фарзандлари учун

ажратиладиган алоҳида икки фоизли давлат гранти асосидаги квота бўйича мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда берилади;

хизмат мажбуриятини бажариш чоғида ҳалок бўлган, шунингдек, хизмат мажбуриятини бажаришда олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган божхона органлари ходимларининг фарзандларига белгиланган қабул параметрларидан ташқари давлат гранти асосида мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда берилади.

5. Божхона органлари ходимларининг фарзандларига олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсиянома Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда Раис томонидан:

божхона хизматида салмоқли ҳисса қўшган, хизмат жараёнида маълум бир натижаларга эришган божхона органларининг хизматдаги офицерлари ва сержантлар таркиби ходимларининг фарзандлари учун ажратиладиган умумий қабул параметрлари доирасида икки фоизли давлат гранти асосидаги квота бўйича мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ;

хизмат мажбуриятини бажариш чоғида ҳалок бўлган, шунингдек, хизмат мажбуриятини бажаришда олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган божхона органлари ходимларининг фарзандларига белгиланган қабул параметрларидан ташқари давлат гранти асосида мазкур Низомга 5-иловага мувофиқ шаклда берилади.

6. Божхона органлари ходимларининг хизмат мажбуриятини бажариш чоғида ҳалок бўлган, шунингдек, хизмат мажбуриятини бажаришда олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган деб топишнинг тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

7. Божхона органлари ходимларининг фарзандларига давлат олий таълим муассасалари ҳамда олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсиянома (кейинги ўринларда – тавсиянома) бланкалари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида ҳар йили Божхона қўмитаси учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан Қўмита буюртманомаси асосида “Давлат белгиси” давлат унитар корхонаси томонидан тайёрланади.

## **2-боб. Тавсияномани бериш тартиби**

8. Божхона қўмитаси марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўйича бошқармалари, “Тошкент-АЭРО” ихтисослаштирилган божхона комплекси, Марказий божхона лабораторияси, Божхона институти ҳамда Миллий кинология маркази (кейинги ўринларда – таркибий тузилмалар ва тизим ташкилотлари) бошлиқлари (директори) Божхона қўмитасининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бошқармасига ҳар йили 10 мартга қадар қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда, тавсиянома бериш тўғрисидаги тақдимномани киритади:

а) божхона органларининг хизматдаги офицерлари ва сержантлар таркиби ходимлари фарзандлари учун:

анкета-маълумотнома ва автобиографик маълумотлар;  
хизмат фаолияти натижалари бўйича батафсил ҳисобот;

ходим фарзандининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси, биометрик паспорти (идентификацияловчи ID-картаси) ва маълумоти тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаси;

б) хизмат мажбуриятини бажариш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ходимларнинг фарзандлари учун:

анкета-маълумотнома ва автобиографик маълумотлар;

ходим фарзандининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси, биометрик паспорти (идентификацияловчи ID-картаси) ва маълумоти тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаси;

тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси томонидан берилган ходимнинг ногиронлиги ҳақидаги маълумотнома (хизмат мажбуриятини бажариш чоғида олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ходимлар учун).

Мазкур бандда назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

9. Тавсиянома бериш масаласи Раис ўринбосари раҳбарлигида тузиладиган, камида беш нафар раҳбар ходим ва мутахассислардан иборат таркибдаги комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия) томонидан кўриб чиқилади.

Комиссиянинг таркиби Раис томонидан тасдиқланади.

10. Комиссия Божхона кўмитаси Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бошқармаси томонидан киритилган:

таркибий тузилмалар ва тизим ташкилотлари бошлиқларининг тавсиянома бериш тўғрисидаги тақдимномаларини;

хизмат мажбуриятини бажариш чоғида ҳалок бўлган, шунингдек, хизмат мажбуриятини бажаришда олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ходимларнинг фарзандлари рўйхатларини кўриб чиқади.

11. Комиссия таркибий тузилмалар ва тизим ташкилотлари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ҳар йили 1 апрелга қадар Комиссия йиғилишида кўриб чиқади.

Комиссия йиғилиши яқунлари бўйича тавсиянома бериш ёки бермаслик ҳақида қарор қабул қилиниб, баённома шаклида расмийлаштирилади ва Комиссия раисининг имзоси ҳамда Божхона кўмитасининг гербли муҳри билан тасдиқланади.

12. Комиссия йиғилишининг баённомаси асосида тавсиянома бериш тўғрисида буйруқ қабул қилиш бўйича Раисга таклиф киритилади.

Раиснинг тавсиянома бериш тўғрисидаги буйруғи ҳар йили 1 майга қадар қабул қилинади.

13. Мазкур Низомнинг 12-бандида назарда тутилган буйруқ қабул қилингандан сўнг божхона органлари ходимлари хизмат мажбуриятини бажариш чоғида ҳалок бўлган, шунингдек, хизмат мажбуриятини

бажаришда олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган тақдирда, уларнинг фарзандларига жорий қабул йилининг 1 июлига қадар тавсиянома берилиши мумкин.

14. Таълим муассасаларига ўқишга кириш учун берилган тавсияномаларнинг ягона ҳисоби Божхона қўмитасининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бошқармаси томонидан юритилади.

15. Божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига (кейинги ўринларда – Давлат комиссияси) ушбу Низомда назарда тутилган тартибда олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар берилган ходимларнинг фарзандлари рўйхатини ҳар йили 1 майга қадар юборади.

### **3-боб. Яқунловчи қоидалар**

16. Комиссия ходимнинг божхона хизматига салмоқли ҳисса қўшгани ва хизмат жараёнида маълум бир натижаларга эришганлигини таркибий тузилмалар томонидан тақдим этилган тақдимнома асосида унинг мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, божхона маъмурчилигини такомиллаштириш, тартиб-таомилларни соддалаштириш, амалиётга илғор ахборот технологияларини жорий этиш, контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашишда ҳамда божхона органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қўшган ҳиссаси, хизмат, илмий ёки педагогик фаолиятда эришган натижаларидан келиб чиқиб баҳолайди.

17. Тавсиянома асосида олий таълим муассасасига талабалikka қабул қилинганлик тўғрисида расмий буйруқ чиқарилгандан сўнг имтиёздан такроран фойдаланишга йўл қўйилмайди.

18. Комиссия ҳужжатларни ўрганиш мобайнида ходимнинг ҳалок бўлганлиги ёки олган тан жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолганлиги хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ бўлмаган деб топилган ҳамда божхона хизматига салмоқли ҳисса қўшган, хизмат жараёнида маълум бир натижаларга эришган деб топилмаган тақдирда, тавсиянома беришни рад этади.

19. Тавсияномага асосан ўқишга қабул қилинган талабалар (курсантлар) ўқишдан четлаштирилган тақдирда (шу жумладан, ўз хоҳишига кўра), уларга тавсиянома қайта берилмайди.

20. Комиссиянинг ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

21. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати  
органлари ходимларининг фарзандларига давлат  
олий таълим муассасалари ҳамда олий ҳарбий  
ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига ўқишга  
кириш учун тавсияномалар бериш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1-илова

Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари ходимларининг  
фарзандларига давлат олий таълим муассасалари ҳамда олий ҳарбий  
ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига ўқишга кириш  
учун тавсияномалар бериш  
СХЕМАСИ

Босқичлар	Иштирокчилар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Таркибий тузилмалар раҳбари	Божхона кўмитасининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бошқармасига: а) хизматдаги офицерлар ва сержантлар таркиби ходимлари фарзандларининг таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсиянома бериш тўғрисидаги тақдимномаларни Низомда белгиланган ҳужжатларни илова қилган ҳолда; б) хизмат мажбуриятини бажариш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ходимларнинг фарзандлари рўйхатларини Низомда белгиланган ҳужжатларни илова қилган ҳолда кўриб чиқиш учун юборади.	Ҳар йили 10 мартга қадар
2-босқич	Божхона кўмитаси Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бошқармаси	Тақдим этилган тақдимномалар ҳамда хизмат мажбуриятини бажариш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ходимларнинг фарзандлари рўйхатларини кўриб чиқиш учун Комиссияга киритади.	Ҳар йили 15 мартга қадар
3-босқич	Комиссия	1. Қуйидаги ҳужжатларни: а) тавсиянома бериш тўғрисидаги тақдимномаларни; б) хизмат мажбуриятини бажариш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ходимларнинг фарзандлари рўйхатларини кўриб чиқади. 2. Ҳужжатларни кўриб чиқиш якунлари бўйича баённома тузиб, имзолайди ва кўмитанинг гербли муҳри билан тасдиқлайди.	Ҳар йили 1 апрелга қадар
4-босқич	Божхона кўмитаси Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бошқармаси	1. Комиссия йиғилиши баённомаси асосида тавсиянома бериш тўғрисида Раис буйруғини чиқаради. 2. Ходимларга фарзандларининг таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсиянома беради. 3. Тавсиянома берилган ходимларнинг фарзандлари рўйхатини Давлат комиссиясига юборади.	Ҳар йили 1 майга қадар
5-босқич	Давлат комиссияси (таълим муассасалари бўйича котибият) ишчи органи	Тавсиянома берилган ходимларнинг фарзандлари рўйхатини кўриб чиқади.	Ҳар йили 15 июнга қадар

Ўзбекистон Республикаси давлат боғхона хизмати  
органлари ходимларининг фарзандларига давлат  
олий таълим муассасалари ҳамда олий ҳарбий  
ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига  
ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

### ТАВСИЯНОМА БЛАНКАСИНИНГ ШАКЛИ

ТАВСИЯНОМА BQ 000000	ТАВСИЯНОМА BQ 000000
O'zbekiston Respublikasi davlat bo'jxona xizmati organlarida xizmat qilayotgan	O'zbekiston Respublikasi davlat bo'jxona xizmati organlarida xizmat qilayotgan
_____	_____
(maxsus unvoni, F.I.O)	(maxsus unvoni, F.I.O)
ning farzandi	ning farzandi
_____	_____
(tavsiyanoma berilgan shaxsning F.I.O., imzosi)	(F.I.O, pasport (guvohnoma) seriyasi, raqami) ga
Bojxona qo'mitasi raisining 20__ - yil «__» _____dagi __-son buyrug'iga asosan berildi.	O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 12-apreldagi PQ-3665-son qaroriga muvofiq yo'nalishlar bo'yicha bakalavrlar tayyorlashda (ikkinchi ta'limdan tashqari) respublikaning barcha davlat oliy ta'lim muassasalariga davlat granti asosida kirishda ajratilgan qo'shimcha ikki foizli qabul kvotasi doirasida tanlovda ishtirok etish imtiyozini beriladi.
M.O'.	Tavsiyanoma Bojxona qo'mitasi raisining 20__-yil «__» _____dagi __-son buyrug'iga asosan berildi.
_____	M.O'.
_____	_____
(mansabdor shaxsning maxsus unvoni, F.I.O., imzosi)	(mansabdor shaxsning maxsus unvoni, F.I.O., imzosi)
20__-yil «__» _____	20__-yil «__» _____

Ўзбекистон Республикаси давлат боғхона хизмати  
органлари ходимларининг фарзандларига давлат  
олий таълим муассасалари ҳамда олий ҳарбий  
ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига  
ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
3-илова

### ТАВСИЯНОМА БЛАНКАСИНИНГ ШАКЛИ

<b>TAVSIYANOMA BQ 000000</b>	<b>TAVSIYANOMA BQ 000000</b>
O‘zbekiston Respublikasi davlat bo‘xona xizmati organlaridagi xizmati davrida xizmat majburiyatini bajarish chog‘ida halok bo‘lgan, shuningdek, xizmat majburiyatini bajarishda olgan jarohati tufayli nogiron bo‘lib qolgan _____  _____ (maxsus unvoni, F.I.O)	O‘zbekiston Respublikasi davlat bo‘xona xizmati organlaridagi xizmati davrida xizmat majburiyatini bajarish chog‘ida halok bo‘lgan, shuningdek, xizmat majburiyatini bajarishda olgan jarohati tufayli nogiron bo‘lib qolgan _____  _____ (maxsus unvoni, F.I.O)
ning farzandi _____  _____  _____ (tavsiyanoma berilgan shaxsning F.I.O., imzosi)	ning farzandi _____  _____  _____ (F.I.O, pasport (guvohnoma) seriyasi, raqami)
Bojxona qo‘mitasi raisining 20__-yil «__» _____dagi ____-son buyrug‘iga asosan berildi.  M.O‘.  _____  _____ (mansabdor shaxsning maxsus unvoni, F.I.O., imzosi)	O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 12-apreldagi PQ-3665-son qaroriga muvofiq yo‘nalishlar bo‘yicha bakalavrlar tayyorlashda (ikkinchi ta‘limdan tashqari) respublikaning barcha davlat oliy ta‘lim muassasalariga kirishda tanlovsiz, belgilangan qabul kvotasidan tashqari davlat grantiga asosan o‘qishga kirish imtiyozi beriladi. Tavsiyanoma Bojxona qo‘mitasi raisining 20__-yil «__» _____dagi ____-son buyrug‘iga asosan berildi.  M.O‘.  _____  _____ (mansabdor shaxsning maxsus unvoni, F.I.O., imzosi)
20__-yil «__» _____	20__-yil «__» _____

Ўзбекистон Республикаси давлат боғхона хизмати  
органлари ходимларининг фарзандларига давлат  
олий таълим муассасалари ҳамда олий ҳарбий  
ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига  
ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
4-илова

### ТАВСИЯНОМА БЛАНКАСИНИНГ ШАКЛИ

ТАВСИЯНОМА BQ 000000	ТАВСИЯНОМА BQ 000000
O‘zbekiston Respublikasi davlat bo‘jxona xizmati organlarida xizmat qilayotgan	O‘zbekiston Respublikasi davlat bo‘jxona xizmati organlarida xizmat qilayotgan
_____	_____
(maxsus unvoni, F.I.O)	(maxsus unvoni, F.I.O)
ning farzandi	ning farzandi
_____	_____
(tavsiyanoma berilgan shaxsning F.I.O., imzosi)	_____ ga (F.I.O, pasport (guvohnoma) seriyasi, raqami)
Bojxona qo‘mitasi raisining 20__-yil «__» _____dagi ____-son buyrug‘iga asosan berildi.	O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi, Ichki ishlar vazirligi, Favqulodda vaziyatlar vazirligi, Milliy gvardiya va Bojxona qo‘mitasi tizimidagi oliy (magistratura, ikkinchi va undan keyingi oliy ta’limdan tashqari) ta’lim muassasalariga (dastlabki va kasbiy (harbiy-professional) tanlov natijalariga asosan) kirishda umumiy qabul parametrlari doirasida ajratilgan ikki foizli qabul kvotasi doirasida tanlovda ishtirok etish imtiyozini beriladi.
M.O‘.	Tavsiyanoma Bojxona qo‘mitasi raisining 20__-yil «__» _____dagi ____-son buyrug‘iga asosan berildi.
_____	M.O‘.
_____	_____
(mansabdor shaxsning maxsus unvoni, F.I.O., imzosi)	(mansabdor shaxsning maxsus unvoni, F.I.O., imzosi)
20__-yil «__» _____	20__-yil «__» _____

Ўзбекистон Республикаси давлат боғхона  
хизмати органлари ходимларининг фарзандларига  
давлат олий таълим муассасалари ҳамда олий  
ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим  
муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар  
бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
5-илова

### ТАВСИЯНОМА БЛАНКАСИНИНГ ШАКЛИ

<b>TAVSIYANOMA BQ 000000</b>	<b>TAVSIYANOMA BQ 000000</b>
O‘zbekiston Respublikasi davlat bo‘xona xizmati organlaridagi xizmati davrida xizmat majburiyatini bajarish chog‘ida halok bo‘lgan, shuningdek, xizmat majburiyatini bajarishda olgan jarohati tufayli nogiron bo‘lib qolgan	O‘zbekiston Respublikasi davlat bo‘xona xizmati organlaridagi xizmati davrida xizmat majburiyatini bajarish chog‘ida halok bo‘lgan, shuningdek, xizmat majburiyatini bajarishda olgan jarohati tufayli nogiron bo‘lib qolgan
_____	_____
(maxsus unvoni, F.I.O)	(maxsus unvoni, F.I.O)
ning farzandi	ning farzandi
_____	_____
(tavsiyanoma berilgan shaxsning F.I.O., imzosi)	_____ ga
Bojxona qo‘mitasi raisining 20__-yil	(F.I.O, pasport (guvohnoma) seriyasi, raqami)
«__» _____dagi __-son	O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi, Ichki
buyrug‘iga asosan berildi.	ishlar vazirligi, Favqulodda vaziyatlar vazirligi,
M.O‘.	Milliy gvardiya va Bojxona qo‘mitasi tizimidagi oliy
_____	(magistratura, ikkinchi va undan keyingi oliy
(mansabdor shaxsning maxsus unvoni, F.I.O., imzosi)	ta‘limdan tashqari) ta‘lim muassasalariga (dastlabki
20__-yil «__» _____	va kasbiy (harbiy-professional) tanlov natijalariga
_____	asosan) kirishda tanlovsiz, belgilangan qabul
_____	kvotasidan tashqari o‘qishga kirish imtiyozi beriladi.
_____	Tavsiyanoma Bojxona qo‘mitasi raisining 20__-yil
_____	«__» _____dagi __-son buyrug‘iga asosan
(mansabdor shaxsning maxsus unvoni, F.I.O., imzosi)	berildi.
_____	M.O‘.
_____	_____
_____	(mansabdor shaxsning maxsus unvoni, F.I.O., imzosi)
_____	20__-yil «__» _____

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “29” декабрдаги 700-сон қарорига  
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари  
ходимларини хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок  
бўлган (вафот этган) ёки олган жароҳати туфайли ногиронлиги  
бўлган шахс деб топиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларида (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Божхона қўмитаси (кейинги ўринларда – Божхона қўмитаси), Божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича бошқармалари, “Тошкент-АЭРО” ихтисослаштирилган божхона комплекси, Божхона институти, Марказий божхона лабораторияси, Миллий кинология маркази) (кейинги ўринларда – божхона органлари) хизмат қилаётган, махсус унвон берилган божхона органлари ходимлари ва Божхона қўмитасининг Божхона институтида таҳсил олаётган курсант ва тингловчиларни (кейинги ўринларда – ходим) хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган (вафот этган) ёки олган жароҳати туфайли ногиронлиги бўлган шахс деб топиш тартибини белгилайди.

2. Ходимни хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган (вафот этган) ёки олган жароҳати туфайли ногиронлиги бўлган шахс деб топиш ходим ёхуд унинг оила аъзоларига бир марталик нафақалар тайинлаш ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган имтиёзларни тақдим этиш мақсадида амалга оширилади.

3. Ходим хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган (вафот этган) ёки олган жароҳати туфайли ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда, ходимга ёки унинг оила аъзоларига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда бир марталик нафақалар ва бошқа имтиёзлар тақдим этилади.

4. Ходимнинг ҳалок бўлиши (вафот этиши) ёки тан жароҳати олишининг ҳар бир ҳолати бўйича хизмат текшируви ўтказилади.

5. Ходимни хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган (вафот этган) ёки олган жароҳати туфайли ногиронлиги бўлган шахс деб топиш хизмат текшируви хулосаси асосида амалга оширилади.

## **2-боб. Хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган (вафот этган) ёки олган жароҳати туфайли ногиронлиги бўлган шахс деб топиш тартиби**

6. Ходим хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати олганда бевосита унинг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари воқеа жойига зудлик билан етиб бориб, холислар иштирокида ходимнинг олган тан жароҳати бўйича далолатнома (кейинги ўринларда – далолатнома) расмийлаштиради.

7. Далолатномани расмийлаштиришда воқеа тафсилотлари аниқ ва холисона баён этилишига, шунингдек, тан жароҳатининг хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда юз берганлигига алоҳида эътибор қаратилади.

8. Далолатнома тан жароҳати олган ходим, унинг раҳбари ёхуд раҳбар ўринбосари, воқеа гувоҳи бўлган ходимлар ёки фуқаролар, воқеа содир бўлган ҳудуддаги божхона органи раҳбари ёки унинг вазифасини бажарувчи томонидан имзоланади ҳамда гербли муҳр билан тасдиқланади.

9. Воқеа содир бўлган ҳудуддаги божхона органи раҳбари томонидан Божхона кўмитаси раҳбариятига ходимнинг ҳалок бўлиши (вафот этиши) ёхуд тан жароҳати олиши ҳолати юзасидан зудлик билан дастлабки ахборот берилади.

10. Ходимнинг ҳалок бўлиши (вафот этиши) ёхуд тан жароҳати олишининг ҳолати ва сабабларини суриштириш учун ходим хизмат қилаётган ҳудуддаги божхона органи раҳбарининг ёзма кўрсатмасига асосан хизмат текшируви тайинланади.

11. Хизмат текшируви божхона органларининг шахсий хавфсизлик, инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш (кейинги ўринларда – кадрлар хизматлари) ҳамда бошқа бошқармаларининг (бўлим, шуббаларининг) масъул ходимлари томонидан 30 кун ичида ўтказилади.

Бунда хизмат текширувини ўтказиётган масъул ходимлар ходимнинг ҳалок бўлиши (вафот этиши) ёхуд тан жароҳати олиши мазкур Низомнинг 15-банди асосида унинг хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқлигига, ходим томонидан хизмат интизоми ва қонунчилик ҳужжатларининг талаблари бузилмаганлигига алоҳида эътибор қаратишлари шарт.

12. Хизмат текширувини ўтказиш муддати кўшимча ўрганишлар талаб этилган тақдирда, хизмат текширувини тайинлаган божхона органи раҳбари томонидан бир ой муддатгача узайтирилиши мумкин.

13. Ҳар бир ҳолат бўйича суд-тиббий экспертиза муассасасининг тегишли хулосаси олинади ва барча ҳужжатлар умумлаштирилган ҳолда, хизмат текширувини ўтказган масъул ходимлар томонидан хизмат текшируви натижасига доир хулоса тузилади.

Мазкур хулоса хизмат текширувини тайинлаган божхона органи раҳбари томонидан тасдиқланади.

14. Хизмат текшируви хулосасида ходимнинг ҳалок бўлиши (вафот этиши) ёки унинг тан жароҳати олиши хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ ёхуд хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ эмас деб топилганлиги кўрсатилади.

15. Ходимнинг ҳалок бўлиши (вафот этиши) ёхуд унинг тан жароҳати олиши қуйидаги ҳолларда хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ деб ҳисобланади:

лавозим мажбуриятларини бажариш вақтида;

жанговар ҳаракатларда иштирок этганда;

хизматни (жанговар хизматни) ўташ вақтида;

хизмат сафарида ёки даволанишда бўлганида;

кун тартибида белгиланган хизмат вақти давомида ёки хизмат зарурати туфайли божхона органлари ҳудудида бўлганида;

хизмат, даволаниш ва хизмат сафарини ўташ жойларига бориш ёки улардан қайтиш вақтида;

йиғинларда (ҳарбий йиғинларда) иштирок этганда;

асирга тушган (ўз ихтиёри билан асирга тушиш ҳоллари бундан мустасно), гаровга олинган ёки ушлаб қуролсизлантирилган ҳолларда;

бедарак кетиш – ходим қонунда белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилгунига ёки вафот этган деб эълон қилингунига қадар содир бўлганида;

шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга доир ҳаракатлар вақтида содир бўлганда;

қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига ёки бошқа шахсларга ёрдам кўрсатиш вақтида;

хизмат вақтидан ташқари пайтда ходимнинг ҳаётига ёки унинг соғлиғига суиқасд қилинганда, агар суиқасд сабаби унинг хизмат вазифаларини бажариши билан боғлиқ бўлса;

суд томонидан ходимнинг ҳаракати шахс, жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб содир этилган ҳаракат деб топилганда.

16. Ходимнинг ҳалок бўлиши (вафот этиши) ёки унинг тан жароҳати олиши хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ эмас деб топилган тақдирда, хизмат текшируви хулосасида бунинг асосланган сабаблари кўрсатилади.

17. Божхона органлари кадрлар хизматларининг масъул ходимлари хизмат текшируви хулосаси тасдиқланган кундан бошлаб уч иш куни ичида ходим ва (ёки) унинг оила аъзоларини хизмат текшируви натижалари тўғрисида, шунингдек, ходим хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган (вафот этган) ёки олган жароҳати туфайли ногиронлиги бўлган шахс деб топилган тақдирда, ходим ёки унинг оила аъзоларини қонунчилик ҳужжатларида тақдим этилиши белгиланган нафақалар ва имтиёзлар ҳақида ёзма равишда таништиради.

**3-боб. Хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган (вафот этган) ёки олган жароҳати туфайли ногиронлиги бўлган шахс деб топилган ходимларнинг ҳужжатлар йиғмажилдларини юритиш**

18. Божхона органларининг кадрлар хизматлари хизмат текшируви хулосаси асосида хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган (вафот этган) ёки олган жароҳати туфайли ногиронлиги бўлган шахс деб топилган ҳар бир ходим ва унинг оила аъзолари ҳақидаги маълумотларни ҳамда ушбу Низомнинг 19-бандида назарда тутилган ҳужжатларнинг алоҳида йиғмажилдини шакллантиради.

19. Йиғмажилдга қуйидаги ҳужжатлар ёки уларнинг нусхалари тикилади:

хизмат текшируви хулосаси;

далолатнома;

воқеа оқибатида жароҳат олган ходимнинг соғлиғи ҳолати тўғрисидаги ҳужжатлар;

суд-тиббий экспертиза хулосаси;

воқеа юз берган вақтда ходимнинг хизмат вазифаси ёки мажбуриятини бажариши билан боғлиқлигини тасдиқловчи ҳужжат (агар мавжуд бўлса);

воқеа юзасидан жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор ёки суднинг ҳукми (агар мавжуд бўлса);

тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг хулосаси ва ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома;

ходим божхона органларидан хизматдан бўшатиш билан тақдирда, унинг хизматдан бўшатиш билан тўғрисидаги буйруқдан кўчирма.

20. Хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган (вафот этган) ёки олган жароҳати туфайли ногиронлиги бўлган шахс деб топилган ходимларнинг ҳужжатлари йиғмажилдлари тегишли божхона органлари кадрлар хизматларида доимий сақланади.

21. Божхона органлари кадрлар хизматлари ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг учинчи кунидан кечиктирмай ҳалок бўлган (вафот этган) ёки олган жароҳати туфайли ногиронлиги бўлган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ҳақидаги маълумотларни хатловдан ўтказиш ҳамда хатлов натижасида аниқланган маълумотларни янгилаб боради.

**4-боб. Якунловчи қоидалар**

22. Хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган (вафот этган) ёки олган жароҳати туфайли ногиронлиги бўлган шахс деб топилган бўйича божхона органларининг хатти-ҳаракатлари ва қарорларидан норози бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда юқори турувчи божхона органларига ёки судга шикоят қилишлари мумкин.

23. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “29” декабрдаги 700сон қарорига  
5-илова

**Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари  
ходимларига уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик)  
учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси (кейинги ўринларда – Божхона қўмитаси) марказий аппарати, Божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўйича бошқармалари, “Тошкент-АЭРО” ихтисослаштирилган божхона комплекси, Марказий божхона лабораторияси, Божхона институти, Миллий кинология марказида (кейинги ўринларда – божхона органлари) хизмат қилаётган ва турар жой билан таъминланмаган сержант ва офицерлар таркибига кирувчи ходимларга (кейинги ўринларда – ходимлар) уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартибини белгилайди.

2. Уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси (кейинги ўринларда – пул компенсацияси) хизматни ўташ жойи бўйича уй-жойлар билан таъминланмаган ходимларга амалдаги сарф-харажатлар доирасида (коммунал хизматлар ҳақи бундан мустасно):

Тошкент шаҳрида – базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт бараваридан кўп бўлмаган миқдорда;

Нукус шаҳрида ва вилоятлар марказларида – базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан кўп бўлмаган миқдорда;

Ўзбекистон Республикасининг бошқа шаҳарлари ва туманлари марказларида – базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан кўп бўлмаган миқдорда тўланади.

3. Оила аъзолари уч киши ва ундан ортиқ бўлган тақдирда (ходимларнинг ўзини ҳисобламаган ҳолда), ушбу пул компенсацияси миқдорлари 50 фоизга оширилади. Бунда ходимларнинг тайинлаш жойига келган оила аъзолари: хотини (эри), уларнинг болалари ва ота-оналари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ижарага олувчининг оила аъзолари деб эътироф этилган бошқа шахслар ҳисобга олинади.

**2-боб. Ходимларга пул компенсациясини тўлаш ҳолатлари**

4. Пул компенсацияси ходимларга:

божхона органларига хизматга қабул қилиниб, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ёхуд бошқа вилоятларга (кейинги ўринларда – ҳудуд) лавозимга тайинланганда ёки хизматни ўташ учун

юборилганда (ходим доимий яшаш жойидаги худудга лавозимга тайинланган ёки хизматни ўташ учун юборилган ҳоллар бундан мустасно);  
хуқуқни муҳофаза қилувчи ёки махсус унвон ва мартаба даражаси бўлиши назарда тутилган бошқа органлардан божхона органларига қабул қилганда;

Божхона институтининг магистратура ёки докторантурасига ўқишга кирганда;

хизматни давом эттириш учун бошқа худудга юборилганда пул компенсацияси ушбу Низомнинг 2-бандида белгиланган миқдорларда тўланади.

5. Божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бўйича бошқармаси ходимларига Тошкент шаҳрида уй-жойни ижарага олганда, компенсация миқдори Тошкент шаҳри бўйича белгиланган меъёрларда тўланади.

6. Пул компенсацияси юборилган жойга келгандан кейин уй-жой ижарага олинган (ижарада турган) кундан бошлаб белгиланган тартибда расмийлаштирилган уй-жойни ижарага олиш (ижарада туриш) шартномаси асосида тўланади.

### **3-боб. Ходимларга пул компенсациясини тўлаш тартиби**

7. Пул компенсациясини тўлаш:

а) узоқ муддатли ипотека кредити бўйича дастлабки бадал учун субсидия ажратилган ходимларга қурувчи томонидан қабул қилиш ва топшириш далолатномалари асосида сотиб олинаётган (қурилаётган) турар жой яшашга тайёр ҳолда фойдаланишга топширилган кундан кечиктирмай;

б) хизматни давом эттириш учун бошқа худудга юборилган ёки божхона органлари хизматидан бўшатирилган кундан бошлаб;

в) божхона хизмати органлари ходими томонидан якка тартибда турар жой қуриш учун электрон онлайн-аукцион орқали ер участкаси олинган кундан бошлаб тўлиқ 24 ой ўтгандан кейин;

г) лавозимидан озод этилиб, божхона органлари ихтиёрига олинганда (ташкилий-штат тадбирлари ўтказилиши даврида пул таъминотини тўлиқ сақлаш вақти, болани парвариш қилиш учун берилган таътил даври, Божхона қўмитаси раисининг буйруғи билан Божхона институтига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ва ташкилотларига магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишга юборилган даври, суд ажримига асосан эгаллаб турган лавозимидан четлаштирилган даври бундан мустасно);

д) ходимга (ёки унинг турмуш ўртоғига) тайинланган жойида хизмат уй-жой майдони берилган тақдирда ёки у (унинг турмуш ўртоғи томонидан) уй-жой сотиб олганда, уй-жой майдонининг қабул қилиш-топшириш далолатномаси (олди-сотди шартномалари) имзоланган кундан бошлаб тўхтатилади.

8. Хизматни давом эттириш учун юборилган жойида ота-оналари ёки эри (хотини)нинг ота-оналари уй-жойларида бирга яшаётган божхона хизмати органлари ходимларига пул компенсацияси тўланмайди.

9. Ходимлар пул компенсациясини олиш учун вақтинча яшаш жойини ва уй-жойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун

коммунал хизматлар қийматисиз амалдаги харажатлар суммасини кўрсатган ҳолда таркибий тузилма раҳбарига билдирги берадилар.

10. Билдиргига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

қонунчиликка мувофиқ оила аъзолари деб эътироф этилган бошқа шахслар ҳужжатларининг нусхаси;

ходим ва унинг турмуш ўртоғи (эри, хотини) номида шахсий турар жой мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома;

солиқ идораларида рўйхатга олинган уй-жойни ижарага олиш (ижарада туриш) шартномасининг нусхаси.

11. Тегишли божхона органи тақдим этилган ҳужжатлар асосида уй-жойни ижарага олиш (ижарада туриш) учун компенсация миқдорини кўрсатган ҳолда, пул компенсацияси тайинлаш тўғрисида буйруқ чиқаради.

Тегишли божхона органи ходимлар ижарага олинган уй-жойда яшашларини ва уларнинг яшаш жойлари ўзгаришини доимий назорат қиладилар.

12. Пул компенсацияси миқдорини аниқлашда ҳисобга олинадиган оила таркиби ўзгарган тақдирда, ходимнинг оила таркиби ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари илова қилинган пул компенсацияси миқдорини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги билдиргиси асосида янги миқдорлардаги пул компенсацияси белгиланган тартибда мурожаат этган кундан бошлаб, тегишли буйруқ имзолангандан сўнг тўланади.

13. Биргалиқда никоҳда бўлган божхона органлари ходимларига (хотинига, эрига) пул компенсацияси хизматни ўташ жойидан эри (хотини) турар жой майдони билан таъминланмаганлиги ва пул компенсацияси олмаслиги ҳақидаги маълумотнома бўлган тақдирда, хизматни ўташ жойи бўйича улардан бирига тўланади.

Божхона органларида аёл ходимларга бола икки ёшга тўлгунгача уни парвариш қилиш учун таътил берилган тақдирда, пул компенсацияси таътилнинг бутун даврига, бироқ божхона органлари ходими ушбу уй-жойда яшаши шarti билан берилади.

14. Пул компенсацияси божхона органлари ходимининг хизматни ўташ жойи бўйича молия тузилмаси томонидан ўтган ой учун кейинги ойнинг 5 кунигача, декабрь оyi учун ушбу ойнинг якунига қадар тарқатиш қайдномаси бўйича тўланади.

15. Пул компенсациясини олиш учун ҳужжатлар божхона органларида қонунчиликда белгиланган муддат тамом бўлгунча сақланади.

16. Ходимга (ёки унинг турмуш ўртоғига) хизмат уй-жойи берилганда ёки у (унинг турмуш ўртоғи томонидан) хизмат қилаётган жойда уй-жой сотиб олганда, у бир ҳафта муддатда тегишли равишда Божхона қўмитасининг Молия-иқтисодиёт тузилмасига пул компенсацияси тўлашни тўхтатиш тўғрисида ёзма равишда хабар бериши шарт.

17. Ходимлар томонидан ортиқча олинган пул компенсацияси суммаси иш ҳақидан ушлаб қолиш йўли билан ёки қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ миқдорда ундириб олинади.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

18. Ушбу Низомга мувофиқ ходимларга пул компенсацияси тўлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

19. Пул компенсациясини тўлашнинг тўғрилигини назорат қилиш тегишли божхона органлари раҳбарлари зиммасига юкланади.

20. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**Вазирлар Маҳкамасининг “Судьяларга, суд органлари ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олишга узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги низомни ҳамда судьяларга, суд органлари ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2012 йил 31 октябрдаги 312-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Қарор номидаги “департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига уй-жойларни ижарага олганлик” сўзлари “департаменти ва давлат солиқ хизмати органлари ходимларига уй-жойларни ижарага олганлик” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 1-банднинг учинчи хатбошисидаги “департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати” сўзлари “департаменти ва давлат солиқ хизмати” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. 1-иловада:

а) 1-банди қуйидаги мазмундаги учинчи – бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Ватан ҳимояси ва эл-юрт тинчлиги йўлида ҳалок бўлган давлат божхона хизмати органлари ходимларининг оила аъзоларидан бири (янги никоҳга қирмаган турмуш ўртоғи ёки қарамоғида бўлган ота-онаси) белгиланган тартибда турар жойга муҳтож деб тан олинганда, улар мазкур Низом талабларига мувофиқ узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда турар жой билан биринчи навбатда таъминланади.

Бунда ушбу кафолат Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 13 мартдаги ПФ-34-сон Фармониға мувофиқ 1991 йил 1 январдан 2023 йил 1 майгача давлат божхона хизмати органларининг жанговар (ҳарбий) ҳаракатларда, ноқонуний қуроли тузилмаларни аниқлаш ва йўқ қилишда, фавқулодда ҳолат (вазият) оқибатларини бартараф этишда, давлат чегараларини ҳимоя қилишда, террорчиликка қарши операцияларда, жиноятчиликка қарши курашишда ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида яраланганлиги, контузия

ёки майиб бўлганлиги оқибатида ҳалок бўлган ходимларининг оила аъзоларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ходимларнинг Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлганлиги ҳолати қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади”;

б) 7<sup>1</sup>-бандидаги “прокуратура” сўзидан кейин “ва давлат божхона хизмати” сўзлари билан тўлдирилсин.

4. 2-иловада:

а) илованинг номидаги “департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати” сўзлари “департаменти ва давлат солиқ хизмати” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 2 августдаги ПФ–4459-сон, “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 18 июлдаги ПФ–5116-сон, “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 10 августдаги ПФ–5147-сон, “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 13 июлдаги ПФ–5482-сон фармонларига, шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2013 йил 13 ноябрдаги ПК–2065-сон, “Судлар ва адлия органлари фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 23 августдаги ПК–3240-сон қарорларига мувофиқ судьяларга, Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши, Олий суд, қуйи судлар аппаратлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари (кейинги ўринларда – суд органлари) ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти (кейинги ўринларда – прокуратура органлари ходимлари) ва давлат солиқ хизмати органлари ходимларига уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартибини белгилайди.

Ушбу Низомнинг амал қилиши судьяларга, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяларига (кейинги ўринларда – судьялар), суд органлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура ва давлат солиқ хизмати органлари ходимларига нисбатан татбиқ этилади”;

в) 2-бандда:

биринчи хатбошидаги “ходимларига, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати” сўзлари “ходимларига ва давлат солиқ хизмати” сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Оила аъзолари уч киши ва ундан ортиқ бўлган тақдирда (судьянинг, суд органлари ходимининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари ходимларининг ва давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг ўзини ҳисобламаган ҳолда) ушбу пул компенсацияси миқдорлари 50 фоизга оширилади. Бунда судьяни тайинлаш (сайлаш), суд органлари ходимини, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари ходимларини ва давлат солиқ хизмати органлари ходимларини тайинлаш жойига келган оила аъзолари: хотини (эри), уларнинг болалари ва ота-оналари, шунингдек, қонунчиликка мувофиқ ижарага олувчининг оила аъзолари деб эътироф этилган бошқа шахслар ҳисобга олинади”;

г) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Судьяга, суд органлари ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари ходимларига, давлат солиқ хизмати органлари ходимларига пул компенсацияси судья тайинланган (сайланган) жойга келгандан, суд органлари ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари ходимлари ва давлат солиқ хизмати органлари ходимлари тайинланган жойга келгандан кейин уй-жой ижарага олинган (ижарада турган) кундан бошлаб белгиланган тартибда расмийлаштирилган уй-жойни ижарага олиш (ижарада туриш) шартномаси асосида тўланади. Судьяга тайинланган (сайланган) жойида, суд органлари ходимига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура ходимларига ва давлат солиқ хизмати органлари ходимларига тайинланган жойида хизмат уй-жой майдони берилган тақдирда ёки у уй-жой сотиб олганда, унинг ваколатлари тўхтатилганда ва тугаганда, пул компенсацияси тўлаш тўхтатилади”;

д) 4-банднинг бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

е) 5-банддаги “ходимларига, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати” сўзлари “ходимларига ва давлат солиқ хизмати” сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 6-бандда:

биринчи хатбошидаги “ходимлари, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати” сўзлари “ходимлари ва давлат солиқ хизмати” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати” сўзлари “прокуратура ва давлат солиқ хизмати” сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 7-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Суд органлари ходимига ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ходимига, прокуратура органлари ходимларига ва давлат солиқ хизмати органлари ходимига бола икки ёшга тўлгунгача уни парвариш қилиш учун таътил берилган тақдирда, пул компенсацияси таътилнинг бутун даврига, бироқ суд органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ходими, прокуратура органлари ходимларига ва давлат солиқ хизмати органлари ходими ушбу уй-жойда яшаши шарти билан берилади”;

и) 9-банддаги “ходимларининг, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати” сўзлари “ходимларининг ва давлат солиқ хизмати” сўзлари билан алмаштирилсин;

к) 10-банддаги “ходимлари, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати” сўзлари “ходимлари ва давлат солиқ хизмати” сўзлари билан алмаштирилсин;

л) 11-банддаги “палатаси, прокуратура органлари ва божхона хизмати органлари” сўзлари “палатаси ва прокуратура органлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “29” декабрдаги 700-сон қарорига  
7-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган  
деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасини кучайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 1998 йил 24 ноябрдаги 488-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳайъати аъзолари таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисида” 2002 йил 15 ноябрдаги 397-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳайъати аъзолари таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисида” 2003 йил 20 сентябрдаги 406-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини ташкил этиш тўғрисида” 2004 йил 28 сентябрдаги 450-сон қарори.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ҳайъати таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисида” 2009 йил 19 февралдаги 46-сон қарори.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат божхона хизмати органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2012 йил 11 апрелдаги 107-сон қарори.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органи ходимининг ёки унинг яқин қариндошларининг мол-мулкига хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 29 апрелдаги 364-сон қарори.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларининг хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати олган ходимларига, шунингдек, ҳалок бўлган ходимлари оилаларига бир марталик нафақа тайинлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 4 июндаги 459-сон қарори.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2021 йил 27 декабрдаги 774-сон қарорига 1-илованинг 50-банди.

**10.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сонли Қонуни)” 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 613 ва 637-бандлари.

**11.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари ходимларининг фарзандларига давлат олий таълим муассасалари ҳамда олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 21 июлдаги 391-сон қарори.

